MIRABILIA NATURAE ARTIS



УМАРАЛИ НОРМАТОВ

ЕШЛАР ҲАҚИДА УЙЛАР

«Ёз ёзувчи», «ёш шоир» деган иборалар бизнинг кунларимизда нисбий маънода қўлланадиган бўлиб қолди. Кўпинча шундай бўлади: йигирма ёшида илк асарини ёзган ижодкор беш-ўнта китоб чоп этиб, сочига оқ оралаб, қирқни уриб қўйса ҳам ёшлар рўйхатида тилга олинаверади, фақат эллик йиллик юбилей тараддуди бошланганидан кейингина бу рўйхатдан тушади...

Мен шу ҳақда таниқли бир адибга сўз очган эдим: «Биласизми, ҳозирги ёш авлод адабиётга «чақмоқдек ёниб» киряпти-ю, жуда секин шаклланяпти, биринчи китоб билан бешинчи, борингки, ўнинчи китоб орасида кескин фарқ деярли сезилмаяпти. Бадиий ижодда йиллар нинг йиғиндиси эмас, асарнинг савияси, даражаси ёзувчи ёшини белгилайди. «Бой ила хизматчи», «Тентдон», «Ўтган кунлар», «Кўкан», «Сароб», «Қутлуғ қон», «Бахтлар водийси», «Зайнаб ва Омон», «Жамила», «Фолиблар» типидаги асарлар тақдирини эсланг. Бу асарлар ёзилган пайтда уларнинг авторлари йигирма ёки ўттизнинг ёни верида бўлганлар. Ва шу асарлари билан оқ «ёшлар рўйхатидан» чиқиб жамоатчилик назарида бирдан улкан адиб даражасига кўтарилган-қолган. Шунақа ҳодиса ҳозир кўринмаяпти»,— дея жавоб қилди.

Бу гапларда жон бор. Бироқ «ёш ёзувчи» тушунчасидаги чалкашликларга бир чеккаси биз — танқидчилар ҳам айбдор. Адабий танқидчилик ҳали ҳам «инерция каллиги»дан бутунлай холис бўла олгани йўқ. Ҳамон одат тусига кириб қолган мавзулар, муаммолар, тушунчалар, қолаверса рўйхатлардан ташқарига чиқмаймиз. Ёшлар ҳақида гап кетганда ҳалигача аллақачон катталар қаторига ўтиб кетган Азиз Абдураззоқ, Ҳусниддин

Шарипов, Эркин Воҳидов, Юсуф Шомансуров, Барот Бойқобилов, Жонрид Абдуллахонов, Носир Фозилов, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоевлар тилга олинади, менга қолса Абдулла Орипов, Омон Матжон, Омон Мухтор, Неъмат Аминов, Гулчеҳра Нуриллаева, Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Жўраевалар ҳам «ёш ёзувчи», «ёш шоир»лик ёшидан ўтиб кетди...

Узоққа бормайлигу «Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1974 йил 11 январь сонида эълон қилинган ёзувчи Одил Ёқубов билан танқидчи Иброҳим Ғафуровнинг ёшлар ижоди хусусидаги суҳбатини эслайлик. Унда Одил Ёқубов «ёшлар адабиёти, айниқса ёшлар прозаси ҳақида сезиларли, сезиларлиги билан фойдали, қолаверса, салмоқли суҳбатлар, баҳс — мунозаралар кам бўляпти»,— деса, И. Ғафуров «чиндан ҳам танқидчилигимиз ёшлар ижодининг муҳим масалаларини етарли даражада машҳур партия қарорининг юксак талаблари даражасида, қўйилган масъулияти миқёсида кўтариб чиқаётгани йўқ. Танқидчилик «ёшлар адабиёти» билан суст шуғулланяпти»,— дейди. Иккала суҳбатдош ҳам «ёшлар адабиёти» ҳақида жиддий баҳс юритишга чоғланадилар, амалда эса одатдаги рўйхат асосида иш кўрадилар, эрта-индин юбилей тараддудига тушадиган Носир Фозилов, қирқни қиялаб турган Ўлмас Умарбеков, Х. Тўхтабоев, У. Назаров, Ш. Холмирзаев, У. Ҳошимовларнинг адабий танқидчиликда қайта-қайта тилга олинган асарларини шархлаш билан чекланадилар.

60-йилларнинг охири ва 70-йиллар бошларида юқорида номлари тилга олинган ижодкорлар кетидан адабиётга кириб келган, бир-икки шеърий ёки ҳикоялар тўплами, қисса ёки саҳна асарлари билан эл оғзига тушган қатор қаламкашлар борки, ҳозирги кунда «ёш шоир» деганда аввало ўшаларни назарда тутиш, «жиддий баҳслар»ни шулар ижодига қаратиш мақсадга мувофиқроқ кўринади.

Мен шеъриятда Ҳалима Худойбердиева, Машраб Бобоев, Рауф Парфи, Маъруф Жалил, Муҳамадали Қўшмоқов, Абдулла Шер; прозада Ҳабибулло, Эргаш Раимов, Зоҳир Аълам, Хосият Лутфуллаева; драматургияда Абдуқаҳҳор Иброҳимовларни назарда тутяпман, кўп сонли ёш қаламкашлар орасида қадди-басти кўриниб, танилиб қолган шу авторларнигина ажратиб оляпман.

Аслини олганда бу ёшлар ижоди тўғрисида аллақачон баҳс бошланиб кетди. Р. Парфининг «Тасвир», М. Қўшмоқовнинг «Қоратол», Ҳ. Худойбердиеванинг «Оқ олмалар», М. Жалилнинг «Сени ўйлаб», А. Шернинг «Кўклам табассуми» тўпламлари, Ҳабибулло, Э. Усмонов, Э. Раимов, Х. Лутфуллаева, З. Аъламнинг қисса ва ҳикоялари, А. Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» ва «Арра» драмалари ҳақида тақриз ва мақолалар чиқди, уларнинг айримлари устида қизғин мунозаралар бўляпти. Бу ёшлар ижодига хос умумий тенденцияларни аниқлашга интилиш ҳам бошланди. Чунончи, ёш танқидчи Маҳкам Маҳмудовнинг «Гулистон» журналида (1974 йил, № 4) босилган «Тошқин дарё мавжлари» сарлавҳали адабий ўйлари бу жиҳатдан ибратли.

Ҳозирги ёшлар ижоди хусусида Иттифоқ миқёсида катта давраларда баҳслар боряпти. «Литературная газета» 1973 йили бир гуруҳ танқидчиларнинг давра суҳбатини уюштирди; бу даврада профессор Лазиз Қаюмов ҳам қатнашди; ўша даврада бошланган қизғин мунозара давом этяпти; тажрибали шоирлар, адабиётшунос олимлар ҳозирги ёш авлод ижодининг ўзига хос томонлари хусусида қизиқарли мулоҳазаларни, позик кузатишларни ўртага ташлаётирлар.

Таниқли шоир ва танқидчи С. Наровчатов адабиётшунос В. Дементьев билан суҳбатида ҳозирги ёшлар шеъриятига хос бир характерли хусусиятни таъкидлайди. «Ғалати ҳодиса юз беряпти,— дейди у,— ҳозирги поэзияда лидерлар кўринмаяпти. Бу яхшими ёки ёмонми билмадим. Шубҳасиз, ажойиб шоирлар бор, Станислав Куняев, Игорь Шкляревский каби талантлар бор. Бироқ лидерлар йўқ» («Литературная газета», 1974, №14).

Бу гаплар бугунги ўзбек адабиётига ҳам бевосита алоқадор. Биз юқорида тилга олган ёш ижодкорларимиз ҳар бири, шубҳасиз қобилиятли, билимдон, кузатувчан ва аллақачон ўз дастхатига эгадирлар. Бироқ уларнинг барчаси ижодий савия жиҳатидан деярли бир хил. Улар орасида ўзини олдинги қаторга урадиганлар ҳам, пешволик даъво қиладиганлар ҳам йўқ. Танқидчиликда баъзан ҳозирги ёшларнинг айрим вакилларини пешво қилиб кўрсатишга уринишлар бўлди. Масалан, Тўхтасин Жалоловнинг Ҳ. Худойбердиева тўплами ҳақидаги тақризида шу нарса сезилди. Аммо бу билан танқидчи ўзини ҳам ёш шоирани ҳам адабий жамоатчилик олдида бир оз но-

қулай аҳволга солиб қўйди. Ҳар ҳолда ҳозирги адабий ҳаёт хоҳ бадиий ижодда, хоҳ танқидчиликда бўлсин, шовқин-суронларни кўтармайдиган бўлиб бормоқда. С. Наровчатов боя эслатилган суҳбатида: «Ҳозирги шеърият 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларидаги сенсационликни ортда қолдириб кетди. Шоирларимиз ҳодисаларга ҳам, ўз қалбига ҳам чуқурроқ нигоҳ ташлайдиган бўлиб қолдилар. Бу, шубҳасиз, фазилат»,— деганида аввало ёшлар шеъриятини назарда тутган.

Давр руҳи, ахлоқий-этик нормалари ҳайратда қолларли даражада, адабиётда биринчи навбатда туғилиб келаётган, шаклланаётган ёш авлод ижодий психологиясида, асарларида ўз муҳрини қолдирар экан.

Адабиётимизнинг бугунги ёш авлоди ижодкорлар сифатида партия Октябрь пленумидан (1964 йил) кейинги тарихий шароитда шакллана бошлади; бу йиллар давомида мамлакат ҳаётида муҳим жараёнлар юз берди: волюнтаризм, субъективизм кўринишлари барҳам топди, хўжалик соҳасидаги асоссиз қайта қуришларга, тарихни сенсацион тарзда қайта кўриб чиқишларга чек қўйилди, партия мамлакат ҳаётини чуқур илмий асосда бошқаришдан иборат ленинча сиёсатни изчиллик билан ўтказа бошлади. Бунинг натижасида ҳамма соҳада бўлгани каби сўз санъати майдонида ҳам осойишта ижодий вазият вужудга келди, ҳаёт ҳодисаларига катта масъулият билан ёндашиш, уларни бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан идрок этиш, кучли эҳтиросларни чуқур илмийлик, мулоҳазакорлик, юксак интеллектуаллик руҳи билан суғоришга интилиш бу даврдаги адабий жараённинг етакчи хусусиятига айланди.

Ҳозирги ёшлар биографиясида бир қатор ўзига хосликлар борки, бу ҳол ҳам уларнинг ижодида зуҳур этилмоқда. Ёшларнинг деярли барчаси қирқинчи йилларда, уруш ва урушдан кейинги даврда туғилган, болаликда ўша оғир, мусибатли кунларнинг тузини озми-кўпми тотиб кўрган, сўнгра мактаб ўқувчиси, олий ўқув юрти талабаси, кейин редакция ходими, олди эса фан кандидати—улар босиб ўтган ҳаёт йўли ана шундай. Дарвоқе, уларнинг ўқиш, меҳнат ва илк ижодий фаолияти фан-техника революцияси кенг қулоч ёйган, маънавий ҳаёт хилма-хил информацияларга бой бўлиб-тошган, социалистик миллатлар ва миллий адабиётлар орасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилган даврга тўғри келди.

демак, улар ҳозирги замоннинг том маъноли зиёлиси, ёш лигиданоқ миллий, қардош халқлар ва жаҳон маданияти ҳамда адабиётидан чуқур хабардор, уларнинг барчаси филология соҳасида олий маълумотга эгадирлар.

Шоир М. Шайхзода яхши бир гап айтган эди:

Шоир қалби дунёни тинглар...

Бу сатрларни ҳозирги ёш авлод шеъриятига эпиграф қилиб олиш мумкин. Дарҳақиқат, ёшлар «қалбининг барометри» давр нафасини сезгирлик билан қайд этиб бораётир: сўнгги йилларда республикамизда, Иттифоқимизда, планетамизда бўлиб ўтган жамики катта-кичик воқеалар, замондошларимизнинг хилма-хил кайфият ва кечинмалари қандайдир шаклда ёшлар ижодида ҳам ўзининг қолдирди. Эрта кўкламда ариқлар бўйида қулуғурган ялпиз ҳидидан тортиб кеч кузда она-Ер бағрига тўшалган олтин япроқларгача, саратоннинг қирқ беш даражали ҳароратидан тортиб қиш чилласининг совуқ нафасигача, ерга қадалган илк чигит донасидан тортиб миллион-миллион тонналик улкан пахта хирмонигача, деҳқоннинг манглай тери-ю қадоқ қўлларидан тортиб олим ўйлари-ю ёр дудоғигача, кўклам шабадасидан тортиб космосга қилинган парвозларнинг гулдуросигача, уруш даври аламларидан тортиб халқнинг ғурур, ифтихоригача, гўдак чеҳрасидаги табассумдан тортиб Вьетнам ва Чилидаги фожиаларгача—буларнинг барчаси ёшлар шеъриятининг мавзу-мундарижасини ташкил этади.

Ёшлар шеъриятидаги етакчи бир мотивни алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтишни истардим. Барча тўпламларда социалистик Ватан тарихига, оталар босиб ўтган шонли йўлга чуқур ҳурмат, оталар ишига садоқат руҳи билан тўлиб-тошган шеърлар, ота ва онажонларга таъзим, ташаккур изҳори бўлган шеърий мактублар бор. Уларда ота-оналарнинг сахий қалби, юксак матонати тараннум этилади, энг муҳими, заҳматкаш, меҳнаткаш ва бунёдкорлик фазилати улуғланади. Бу шеърлар меҳнат ва меҳнат кишиси ҳақидаги ўзига хос мадҳиялар каби янграйди.

Ёшларда шу фазилат билан узвий туташиб кетадиган ёки шу фазилатнинг бевосита давоми бўлган яна бир хусусиятни кўраман. Бу— улардаги масъулият, ворислик туйғуси; ёшлар оламдан ўтиб кетган кишиларга хос жамики инсоний хислатларни ўзлари учун дахлдор деб биладилар, ўзларини оталар ишининг давомчиси деб ҳисоблайдилар. Маъруф Жалилнинг «Марҳумлар шаҳрининг аҳолисига» шеърида шундай сатрларни ўқиймиз:

Чала қолган ишларингизни,
Ширин-ширин тушларингизни,
Чалкаш-чалкаш қисматингизни,
Яхши-ёмон хислатингизни,
Қаро ерга олиб кетган ниятингизни менга беринг.
Эплаб адо қилолмаган вазифангизни,
Тўплаб-тўплаб ишлатмаган тажрибангизни,
Алдангандa титроқ солган қутлуғ орият,
Ғалаба ё ўлимга дуч келтирган ният
Ва яшашга бўлган чексиз ғайратингизни менга беринг.
Менга беринг ер юзида жой тополмасдан
Ер остига олиб кетган армонингизни.
Инсофингиз, виждонингизни,
Қўли калта имконингизни,
Ҳамда бунёд этолмаган бўстонингизни менга беринг.
Менга беринг ичга ютган аламингизни,
Менга беринг босолмаган қадамингизни,
Менга беринг кўролмаган оламингизни,
Ўтмиш билан истиқболни пайванд қилай деб,
Ҳеч кимсага ишонмаган каломингизни менга беринг.

Мана шундай хислатларга ворислик даъво қилган лирик қаҳрамоннинг нималарга қодир эканлигини аниқ тасаввур қилиш мумкин! Шундай руҳдаги шеърлар барча ёшларда бор. Ҳалима Худойбердиева ёзади:

Елкага
Ҳали кўп юкларни юклармиз,
Кўп хазон боғларни тиклармиз,
Кўтара олмасмиз юкни гоҳ
Ва ёки туйгумда қулар тог.
Шунда яна янгидан
Тафаккурда тоғлар яратишимиз.
Сўлган боғлар ўрнида, яшил-яшил
Дарахтлари шовуллаб турган боғлар яратишимиз керак...

Муҳамадали Қўшмоқов дейди:

Гулдан гуллик қарздорман.
Тонгдан тонглик қарздорман.

Шоир Хуршиддин Шарипов бир даврада: «Бу укаларимнинг шеърий китобларидаги бир фазилат айниқса менга ёқади: уларда бирор оғиз ҳам ёлғон гап йўқ»,— деган эди. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкин: ёшлар китоб ўқиб, шунчаки ўзгалардан таъсирланиб, илҳомланиб эмас, балки бевосита ўзи кўрган, билган, чуқур ҳис этган ҳодисалар ҳақида ёзаётирлар, ўз кузатишларини, шахсий-ҳаётий тажрибаларини шеъриятга олиб киришга интилаётирлар. Ҳар бир шеърий тўплам маълум маънода ёш шоир биографиясининг, шаклланиб келаётган маънавий оламининг кўзгусидир. Истаган тўпламни варақлаб, авторнинг туғилган қишлоғи-ю ота-онасини, қариндош-уруғи-ю дўст-биродарларини, ўқиш-машғулоти-ю мурод-мақсадини — барчасини билиб олса бўлади; таниш манзаралар, аниқ ҳодисалар, бор одамлар тақдири уларнинг шеъриятига ўзига хос аниқлик, ҳаётийлик, туйғу, ўйларига самимийлик бахш этади.

Ижодкор биографияси, ҳаётий тажрибаси қанчалик бой, серқирра бўлса, ижоди ҳам шунчалик ранг-баранг, мазмундор бўлади, деган гапда чуқур ҳақиқат бор. Ёшлар ҳозирча катта ҳаёт йўлининг бошида турибдилар. Бинобарин, уларнинг ижодий камолоти, фикр ва туйғулар кўлами ҳам ҳозирги ҳаётий тажрибалари даражасида, улар ижодидаги кўркам фазилатлар ҳам, шунингдек, баъзи бир чекланганлик, қусур ва ожизликлар ҳам аввало шу ҳолат билан изоҳланади.

Ёшларнинг бадиий форма соҳасидаги изланишлари хусусида баъзан ҳаддан ташқари мақтов, ҳамду саноларни, баъзан эса, аксинча, менсимаслик руҳидаги гапларни эшитамиз.

Дадил айтиш мумкинки, ёшлар шеъриятида шаклий изланишларга интилиш кучли. Бироқ бу интилиш аввало миллий анъаналарга, биринчи навбатда, совет даври ўзбек шеърияти тажрибаларига таянган ҳолда боряпти, айни пайтда ёш шоирларимиз рус ва қардош халқлар, жаҳон прогрессив адабиёти ютуқларидан баҳраманд бўлишга, замон синовларидан ўтган ёки ўтаётган мақбул янгича ифода усулларини ўзбек шеъриятига тадбиқ этишга интилаётирлар. Ёшларнинг тўпламларида классик адабиётимизнинг газал, мухаммас, рубоий, туюқ каби шеърий шаклларини, хилма-хил санъатларини ҳам, ғарб шеъриятининг сонет, романс, элегия сингари тур-

ларини ҳам, халқ оғзаки ижоди усулларини ҳам, бармоқ вазнининг ранг-баранг ҳижоларини ҳам, сарбаст ва оқ шеър формаларини ҳам, сарбаст вазнининг ўзимизда — Ҳамза, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон шеърларида шаклланган кўринишларини ҳам, шу билан баробар Назим Ҳикмат, Пабло Неруда, Лорка ёки Андрей Вознесенский сингари ижодкорлар қаламига хос бўёқ ва ритмика таъсирини ҳам кўриш мумкин.

Шеърий форма соҳасида изланишлар, новаторлик деганда баъзи ўртоқлар шукул одат тусига кирмаган янги шаклларни кашф этиш деб тушунадилар; ҳолбуки мавжуд анъанавий формалар доирасида ҳам ижодкор ўзининг новаторлигини намойиш этиши мумкин.

В. Солоухин «Поэзия ҳаваскори тажанглик қиляпти...» сарлавҳали мақоласида муҳим бир фикрни ўртага ташлайди. «Шундай шоирлар борки,— деб ёзади адиб,— улар ўзларигача бўлган поэтик формалар доирасида туриб улкан шоирга айланадилар. Улар фикрларидаги оригиналлик, маънавият бобидаги чуқурлик ва буюклик туфайли шу даражага кўтариладилар. Чунончи Лермонтов, Тютчев, Блок, Твардовскийлар ўзларигача қадар мавжуд поэтик традицияларни инкор этиш йўли билан эмас, балки ўша традициялар доирасида, рамкасида улуғ шоир бўлиб етишганлар. Улар шеъриятга ўз шаклларини эмас, балки ёркин бетакрор бўёқларини, ўз интонацияларини олиб кирдилар. Айни пайтда яна шундай шоирлар ҳам борки, улар шеъриятга ўз поэтик нормалари билан келадилар. Уитмен, Жак Превер, бизда Маяковский, Хлебников, Мартинов, Кирсановлар шулар жумласидан. Вознесенский ҳам шундай». («Литературная газета», 1974, № 20.)

Ярим асрлик ўзбек шеърияти тарихида, жумладан, ҳозирги ёшлар ижодида ҳам худди шу хил ҳодисани кузатиш мумкин. Маъруф Жалил, Абдулла Шер, Машраб Бобоевлар кўпроқ анъанавий шеърий шаклларда — бармоқ вазнида ва халқ оғзаки ижоди усулларида, қисман арузда қалам тебратаётирлар, Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Халима Худойбердиевалар эса ўзбек поэзияси учун нисбатан ёш бўлган сарбаст шаклида, сарбаст шаклининг ҳам аввалларини бизда одат тусига кирмаган янгича, ўзига хос кўринишларида ижод этаётирлар.

Маъруф Жалилнинг тўпламн шундай сатрлар билан бошланади:

Парнзодим, сени излаб тоғларга бордим,
Айтолмадим юракдаги саволларимни.
Аммо, топиб юпансин, деб қўйиб юбордим—
Тоғ бургути каби ўжар хаёлларимни...

Дарҳақиқат, шоир бутун китоб давомида ўзини шу қадар эркин тутиб куйлайдики, унинг сўзлаш тарзини халқ бахшиларининг куйлаш усулига қиёс қилиш мумкин. Унинг бармоқдаги, аруздаги мисраларидан ҳам, ҳатто сочмаларидан ҳам халқ қўшиқларининг садоси эшитилиб туради. Шоирнинг «Сўзсиз қўшиқ» деган бир шеъри бор, унда талқин этилишича, йигит қўшиқ айтяпти, қўшиқда катта фикр, кучли туйғулар мужассаму, аммо қўшиқнинг сўзи йўқ... Авторнинг ўз шеърларида ҳам қисман шу ҳолат мавжуд; сизни аввало мисралардаги мусиқийлик, куй қанотига жо этилган фикр ва туйғулар асир этади. Маъруф Жалил шеърлари бенхтиёр рус шоири Кольцов тажрибаларини ёдга туширади. Шунисн муҳимки, ёш шоирнинг фольклор анъаналари руҳида битилган мисраларида шу куннинг нафаси уфуриб туради, лирик қаҳрамон бугунги кун даражасида туриб фан-техника революцияси даври кишиси савиясига мос фикр юритади.

Абдулла Шер шеърлари ўзининг изчил реализми, конкрет заминга, кундалик ҳаётга яқинлиги, воқеабандлиги билан қисман Ойбек, қисман Миртемир анъаналарини эслатади. У қишлоқ манзараларини, деҳқонлар меҳнатини қаламга олганда, юмористик лавҳалар чизганда кўпроқ Миртемирга, лирик кайфиятлар тасвири, ҳаёт фалсафаси таҳлили пайтида эса Ойбекка эргашаётгандай бўлади. Бироқ шу анъаналар доирасида ёш шоирнинг шаклланиб келаётган нигоҳини, ўзига хос овозини пайқаб олиш мумкин. Хусусан, «Баҳор айбдор», «Уруш», «Шоир», «Куёв» каби шеърларида ёш автор бармоқ вазнининг ҳозирча бизда кенг расм бўлмаган имкониятларидан яхши фойдаланган, традицион шеърий ритмиканинг янги оттенкаларини топа олган.

Рауф Парфи ўзбек шеъриятида ҳеч кимникига ўхшамаган овоз билан куйлай бошлаган эди; у ҳар бир шеърда одамнинг мураккаб руҳий дунёсидаги бирон конкрет

ҳолатни тутиб олиб суратга туширишга, ҳолатларни тимсоллар орқали, ҳаракатдаги деталлар орқали ифодалашга тиришади. Рауф Парфини дастлаб нима ҳақида сўзлаш эмас, балки қай тарзда сўзлаш, аниқроғи, шеърий шакл масаласи кўпроқ қизиқтирар эди, кейинги «Тасвир» тўпламн эса эндиликда у шеърларнинг мавзу мундарижаси устида ҳам жиддий бош қотираётганлигидан далолат бериб турибди. Тўпламдаги лирик қаҳрамон фақат ўзига хос овозга эга оригинал куйчигина эмас, айни пайтда ўз авлоди, тарих, замон ва келажак ҳақида, жаҳон тақдири ҳақида фикр юритувчи, астойдил қайғурувчи граждапнн тарзида кўринади. «Энг узоқ ёзилган таржимаи ҳолим», «Луис Моран», «Вьетнам ҳақида қўшиқ» сингари публицистик шеърлар тўпламнинг юзини очиб юборган.

Муҳамадали Қўшмоқовнинг изланишлари бир қарағанда Рауф Парфи шеърларини эслатса-да, аммо миллий заминга яқинлиги билан улардан ажралиб туради. М. Қўшмоқов ўзбек шеърияти учун янгилик бўлган шеърий шаклларда она юрт қиёфасини, халқимиз ҳаётининг бетакрор тароватини гавдалантиришга интилади, унинг шеърларида «Қуёшни ёқалаб тушган ҳовлилар»ни, жангда шаҳид бўлган тоға «сурати осиғлиқ беҳи ҳиди анқиган хона»ларни, «Далаларга кетган тупроқли йўлда трактордан қолган яп-янги излар»ни, «иккита тутга омонат, бир неча дақиқага арқон-ла тортилган беланчаклар»ни, қисқаси, бугунги ўзбек қишлоғининг шу каби таниш лавҳаларини, бетакрор ифодасини кўрамиз. Ёш шоир, иккинчи томондан, янгича поэтик усулларни миллий шакллар, айниқса халқ оғзаки ижоди мотивлари билан қўшишга уринаяпти. У «Боғда булбул чаҳ-чаҳлар» шеърида халқ лапарларига, «Боғда сайр этади расида қизлар» мисраси билан бошланадиган яна бир шеърида бойчечак қўшиғи усулига мурожаат этади, «Тоҳирнинг сўнгги қўшиғи», шунингдек, кейинги пайтларда вақтли матбуотда эълон этилган «Қўшиқ», «Мунисхон гиряси», «Осмонда осмон йўқ, қора кўз» сингари машқларида бу фазилат янада кучлироқ намоён бўлаётир.

Очиғини айтганда, Муҳамадали Қўшмоқовнинг қатор шеърларида ҳозирча янгича шакл билан фольклор усули бир-бири билан қовушмайроқ турибди, бироқ «Қўшиқ» шеъридаги муваффақият ёш шоир изланиш-

лари истиқболига катта умид уйғотади. «Қўшиқ»да лирик қаҳрамон — фидойи ошиқнинг кайфиятлари қанчалик бир янгича — кутилмаган ташбеҳлар, фавқулодда ва бариқ образлар орқали ифода қилинади, айни пайтда улар худди халқ қўшиқлари каби янграйди:

Мен тутуртдек ўз-ўзимни ўтга чоғлайман,
Хаёлларим гирдобида йўлим боғлайман.
Қулоғимда янграй бошлар нечун жонбахш,
Ғира-шира, беҳаловат навони, хаста:
«Сим-сим дедим, симлар дедим, симлар қўйнимда,
Зарра гувоҳ менда бўлса, қилич бўйнимда».

Ниҳоят, икки оғиз сўз Халима Худойбердиева ҳақида. Шоиранинг «Оқ олмалар»га кирган шеърлари, гарчи бармоқ ўлчовида тартиб берилган бўлса-да, мен уларни бемалол сарбаст вазни намуналари деб атай оламан. Чунки унинг фикр-туйғулари ҳар қадамда бармоқ ҳижолари оқимини бузиб, тошиб туради. Шоира шеърлари орқали шеъриятимизда сарбаст вазнининг гражданин — аёл овози пардаларида янграган янги бир кўриниши туғилаётгандек туюлади.

«Шоирнинг ўзи қандай бўлса услуби ҳам шундай бўлади», деган нақл бор. Биз назарда тутган ёш шоирлар, юқорида таъкидланганидек, гражданин сифатида энди-гина шаклланиб келяпти. Шубҳасизки, улар улғаяди, бой ҳаётий тажриба тўплайди, тинимсиз ўрганади, изланади, шу жараёнда уларнинг ижоди ҳам тўлишиб, услуби, поэтик овози сайқал топиб боради. Ёшлар шеъриятининг тематик жиҳатдан янада ранг-баранг ҳолда кўришини, улардаги ижтимоий мотивларининг, гражданлик туйғуларининг янада бардам, жарангдор янграшини истар эдик.

* * *

Насримиз ва драматургиямизнинг истиқболи адабий жамоатчиликни ҳақли равишда ташвишга соляпти. Шеъриятда-ку аҳвол бирмунча дуруст, бу майдонда кўплаб истеъдодли ёшлар қалам тебратяпти, улар ўзларидан олдинги авлод билан бўй бўйлашай деб турибди. Проза ва драматургияда эса ҳозирча ўз оғалари изидан дадил бораётган ёшлар нисбатан оз; мавжуд қаламкашлар ижоди ҳам бир оз суст шаклланяпти. Бу

ҳол адабий танқидчилик зиммасига катта масъулият юклайди. Биз сўнгги йилларда ҳикоя, қисса ва драмалари билан танилиб келаётган Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳабибулло, Шаҳодат Исахонова, Хосият Лутфуллаева, Зоҳир Аълам, Э. Раимов каби ёш драматург ва носирлар ижодини синчиклаб кузатиб боришимиз, уларга ҳар тарафлама кўмаклашувимиз зарур.

Биз танқидчилар баъзан талабчанлик қиламан деб ёш — бошловчи қаламкашлар ижодидаги камчиликларни аямай юзига соламизу, илк асарларида уч бериб турган истеъдод нишоналарини кўрмай қоламиз. Танқидчиликнинг вазифаси фақат камчиликларни кўрсатиш бўлмай, балки ҳаммадан бурун асардаги, ёш автордаги истеъдод учқунларини пайқаш, уни авайлаб аланга олишига кўмаклашишдан иборат. Аввало ёш носирларимизнинг маҳорат билан ёзилган баъзи асарларига, улар ижодидаги фазилатларига эътиборни жалб этмоқчимиз.

Шаҳодат Исахонованинг илк асарларидан бири «Она» эл оғзига тушди, адабиётчилар орасида яхши таассурот қолдирди. Автор унда ўзи кўрган, ўзини ҳаяжонга солган ҳодисалар — тенгдошлари орасида учраб қолаётган айрим енгилтабиат, тантиқ ёшларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ташвишларини бадиий ифодалашга интилади; бунинг учун қулай ҳаётий шакл ҳам топади — енгилтабиат қиз қилмиши ҳақида шунчаки ахборот беради-да, уни туғиб, тарбиялаб одам қилган онанинг қиз қилмиши туфайли чеккан изтиробларини ва кулфатларини тасвир этади. Қишлоқнинг кўрки, қишлоқ келинчакларининг онахони бўлмиш бу табаррук аёл, ишонган тоғи — ёлғиз қизи шаҳарда ўқиб юриб ёмон одам бўлиб қолгач, қишлоқда бош кўтариб юролмай, одамлар тўпига киролмай қолади. Ҳикояда келтирилган ситуация — келин сочига пилик солиш билан боғли воқеа оригинал, ҳаётий ва ғоят таъсирчан. Ҳикояни ўқиётиб, гарчи иккинчи планда — парда орқасида берилган бўлса-да, кўрнамак қизнинг афти башарасини барала кўриб турамиз, кирдикорларидан огоҳ бўламиз, ундан жирканамиз, қизи қилмиши туфайли эл орасида бош кўтариб юролмай қолганида ҳам жигарига ёмонликни раво кўрмаган олижаноб аёлга нисбатан меҳримиз жўш уради.

Галдаги ҳикояси «Кечиккан бахт»да ёш автор яна

бир поғона юқори кўтарилган. Ш. Исахонова аёл қалбини нозик ҳис қилади, тасвирда ошкора ифодалардан, қуруқ баёндан қочади; характерлараро мураккаб муносабатларни имо-ишоралар, рамзий деталлар орқали жуда нафис ифода этади. Ҳикояни ўқир эканмиз, келин, куёв, қайнана бир-бирлари билан ҳамжиҳатдай туюлади, лекин баъзи хатти-ҳаракатлар орада қандайдир чатоқлик борлигига сизда гумон уйғотади, пировардига бориб шу гумон бирдан ҳақиқатга айланади: вафодор келиннинг алдангани маълум бўлади, муштипар кўринган қайнана ҳам, ўзини садоқатли қилиб кўрсатган куёв ҳам хиёнаткор бўлиб чиқади. Автор ҳар учала персонажларни ҳам яхши одамлар тарзида тақдим этади, бироқ ҳикояни ўқиб бўлгач, сизда улар турлича таассурот қолдиради: ҳикоянависнинг асл муддаоси ҳам шу, панада туриб нишонга ўқ узади, ўқувчига сездирмай яхшини яхшига, ёмонни ёмонга ажратади.

«Она» билан «Кечиккан бахт»да фожиавийлик устун. Ёш авторнинг яна бир ҳикояси «Раққоса»да ҳам шахсий-оилавий бахтсизликка дучор бўлган аёл образи тасвирланади; раққосанинг етимликда ўтган кечмиши эсга олинганда, фарзандсизлик туфайли нечун умидлар билан қўлга киритган бахтини бой берганда, ҳижрон азобида қоврилганда сиз ҳам унга қўшилиб азоб чекасиз; бироқ олдинги икки ҳикоядан фарқли ўлароқ, бу ерда персонаж истиқболига ҳам, китобхон кўнглига ҳам умид бахш этадиган илиқ бир нур бор. Бу ҳикояда ёзувчи фақат бахтсиз ҳодисаларни эмас, инсоннинг бахтли дақиқаларини, қувончларини ҳам нафис, кўркам тарзда ифодалай олиш қобилиятини кўрсатган.

Хосият Лутфуллаеванинг бир талай ҳикоялари орасида «Отам, аям ва ойим» асари, хусусан, ундаги тасвир усули мақтовга сазовор. Автор кичкинтой қаҳрамони — Зебо панасида туриб катталар орасидаги муносабатларни очади, хилма-хил табиатли кишилар образини яратади, бемаъни оилавий можаролар устидан заҳарханда билан кулади; серзарда, сержаҳл аёл ўзининг беҳуда ғавғолари билан тотув оилани барбод этади, бегуноҳ гўдак қалбига ғубор туширади, уни ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан майиб этади, бора-бора ўзидан бездиради.

Мана шу кескин, мураккаб ҳодисалар жафокаш, мурғак қалб эгаси Зебонинг тасаввури орқали берилади. Ҳикоя кўп жиҳатдан А. П. Чеховнинг машҳур «Ванька»сидаги усулни эсга туширади. Қизалоқнинг содда, самимий кузатишлари, мураккаб ҳодисалар, хилма-хил одамлар устидаги беозор «холис» мулоҳазалари замирида катта маънавий, оилавий драма яшириниб ётибди.

Эргаш Раимов «Меҳрибонларим», «Ажаб қишлоқ қиссаси» асарларида худди шу йўлдан боради; холис, «беозор» боланинг кўрган-кечирганлари, нигоҳи орқали шу кунининг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтаришга тиришади. Айниқса ёш ёзувчининг «Меҳрибонларим» қиссаси ўқувчилар томонидан яхши кутиб олинди; адабий танқидчилик уни ижобий баҳолади.

Х. Лутфуллаева ҳикоясида бўлгани каби Э. Раимов қиссасида қаламга олинган оилада ҳам чигал муносабатлар ҳукмрон, лекин бу ерда можаронинг характери, асоси бошқачароқ: милиционер ота ниҳоятда ҳалол, пок, юксак эътиқодли одам, она эса қаллоб, молпараст, дунёпараст кимса. Улар ҳар қадамда, ҳар бир масалада тўқнаш келадилар, ниҳоят бу тўқнашувлар оиланинг барбод бўлиши билан якунланади... Автор «холис» кузатувчи — бола панасида туриб оилани инқирозга олиб келган маънавий омилларни анча кенг таҳлил этади, икки типдаги характерларнинг бутун бисотини очиб беради. Ёзувчи фақат оилавий можаролар ифодаси билангина чекланмай, теварак-атрофдаги мураккаб ҳаёт, ҳаёт ичидаги хилма-хил одамлар, яхши ва ёмонларга, мақбул ва номақбул удумларга ҳам муносабат билдиради, аёлнинг маънавий тубанлашувига таъсир кўрсатган ташқи омилларни ҳам қисман кўрсатишга эришади.

Зоҳир Аълам сўнгги йиллар прозамизда анча кенг тарқалган Саид Аҳмад, Улмас Умарбеков, Уткир Ҳошимовлар ижоди орқали маълум анъана тусига кирган «жажжи ҳикоялар» турида қалам тебратмоқда. Матёқуб Қўшжонов айтганидек, Зоҳир Аълам ҳаётдаги оддий кўринган воқеалардан жиддий хулосалар чиқаришга интилади; шу интилиш оқибати бўлса керак, унинг ҳикояларида қаламга олинган ҳодисалар аксари рамзий маъно касб этади, ҳамиша автор гапи тагида

бошқа бирор гап ётади, натижада ҳикояларнинг ўзг ярим масал тусини олади. «Троллейбус»даги можаро — ўрин эгаллаш билан боғли гап-сўзлар ўқувчи хаёлини узоқларга олиб кетади: худди троллейбусдаги каб ҳаётда ҳам шундай одамлар борки, қулай ўрин топиш учун ўзини ҳар тарафга уради, шовқин-сурон кўтаради, муддаога эришгач, ўзгаларнинг ташвиши билан иш йўқ, тинчгина, ҳеч нарса кўрмагандек айшини сураверади. Ёш автор троллейбусдаги ҳангома орқали шуларга ишора қиляпти. «Бахтли билет» ҳикоясида билет билан боғли ҳодиса дағалликка, қўполликка қарши бир кичик исёндай туюлади: инсоний ҳиссдан маҳрум контролер қизчанинг илтижоларига қарамай, унинг қўлидаги кичкина умиди «бахтли билет»ини бепарвогина икки бўлиб ташлайди,— бу билан кифояланмай қизча устидан масхаралаб кулади. Шу кичик дағаллик туфайли қизчанинг дил шишаси дарз кетади, қалби вайрон бўлади. Демак, оддий кўринган шу кичик ҳодиса замирида ҳам жиддий ҳаётий муаммо ётибди. «Сой» ҳикоясида худди масаллардаги каби тиниқ сой одамлардек тилга киради, ҳаракат қилади, қувонади, ғам-изтироб чекади; аввал у покиза она қучоғидан — дарадан отилиб чиққанига ўзида йўқ шод; нариоқ бориб лойқа сувларга қўшила бошлаганда таъби хира тортади; аввал бунга қарши жиддай исён ҳам кўтаради, лекин ўзининг ожизлигини ҳис этиб, уларга қўшилиб оқаверади. Охирида аввалги куч, қувват ва орзудан асар ҳам қолмайди; ўз тусини бутунлай йўқотади. Гарчи ёзувчи масаллардагидек «қиссадан ҳисса» чиқармаса ҳам китобхон сой қисмати билан таништиб, ўзича маълум хулосага келади; бу ҳодиса «Қозонга яқинлашсанг, қораси юқар» деган нақлни яна бир карра ёдга туширади, йўқ, шунчаки ёдга тушириб қўя қолмайди, ёш авторнинг жонли, образли тасвири — сойнинг қувонч, изтироб, алам ва иолишлари сизда маълум кайфият уйғотади.

Ҳабибулло жуда кўп бошловчи ёзувчилар каби илк асари «Хаёлимда дилоромим» ҳикоясини севги тасвирига бағишлади; бироқ қатор тенгдошларидан фарқли ўлароқ, у «алданган муҳаббат»ни эмас, балки ҳаётнинг нурли, ёркин лавҳаларини — икки ёшнинг бахтли саргузаштини қаламга олади; ҳикоя қаҳрамонлари бевосита қайноқ ҳаёт ичидан, меҳнат жабҳасидан олинган.

Авторнинг тасвир усули воқеа руҳига мос — жўшқин, қувноқ.

Шуниси ҳам борки, ҳикоядаги тасвир бошдан-оёқ бир текис эмас, севги йўлидаги ғовларнинг бартараф бўлиши осон ва юзаки ҳал қилинган; висол омад тарзида талқин этилган, асардаги муҳим фигура — Азиза қалби яхши очилмай қолган: автор лирик чекинишлар пайтида ортиқча ширинсуханлик қилиб юборади; жимжимадорлик томон тойиб кетади... Бизни қувонтирган нарса бошқа ерда: кўп ўринларда ёш қаламкаш қишлоқ манзараларини, қишлоқ одамларини, у ердаги меҳнат жараёнини ўзи қандай кўрган бўлса, тўқимай, бўямай, оширib-тоширмай шундайлигича кўрсатади; андижонлик қишлоқ қизларидагина учрайдиган ўзига хос шаддодлик, сўзамоллик, ибо, шарм-ҳаё, ғурур, лутф, ҳазил-мутойиба жуда яхши берилган. Энг муҳими, автор шу хислатларда мужассамланган нафосатни, жозибани нозик ҳис эта билган.

Ёш авторнинг галдаги «Ғунча», «Ишқ», «Кўнглим», «Келинчак» ҳикоялари ҳам ана шундай илиқ руҳ билан суғорилган. Автор персонажлар ҳаётидаги бахтиёр дақиқаларни ёки қалбидаги қандайдир ғам-аламларнинг қувонч билан алмашув жараёнларини жонли, нафис тасвир этади.

«Кўнглим» ҳикоясида Рўзи хола оғир руҳий ҳолатга тушиб қолган: бетоб бўлиб касалхонада ётибди, байрам арафаси, ҳамма уй-уйига кетган, ёлғизлик уни баттар эзади, унинг ниниси бемеҳр, келиб кўнгил сўрашга ярамайди, ёлғиз ўғли эса армияда —хизматда, кампирнинг дили ҳуфтон, фақат ўлимни ўйлайди, бироқ хизматдаги ёлғиз ўғлини уйлантирмай оламдан кетиш уни қийнайди... Шу пайт — хонага нотаниш маъсума бир қиз кўнгил сўраб келади, имо-ишоралардан у ўғлининг қайлиғи экани маълум бўлади. Қиздаги меҳр, ибо, шарм-ҳаё, ажиб жозиба кампир қалбига нур бўлиб киради; унинг ҳуфтон кўнглини чароғон қилиб юборади.

«Келинчак» ҳикоясини ўқиганда бенхтиёр Гулчеҳра Жўраеванинг машҳур «Қиз узатдик ёр-ёр» қўшиғини тинглаётгандаги ҳолатга тушасиз. Қиз ҳаётидаги энг бахтли, қувончли дақиқа; у севикли ёр васлига етишаётир, келинлик остонасига қадам қўяётир, эркин юрган қиз болалик даври билан хайрлашиб, ота-она бағрини

тарк этиб, ўзга бир хонадонга, нотаниш оила сафига ўтяпти. Шу бахтиёр дақиқаларнинг ҳам ўзига хос ташвишлари, жиндай алам ва изтироблари, ҳаттоки, йиғи ва кўз ёшлари ҳам бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳикояда худди қўшиқдагидек ифодаланган.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов прозада ҳам, драматургияда ҳам қалам тебратяпти. Ҳаёт тобора мураккаблашиб боряпти. Ёзувчининг «Қоя остида» ҳикоялар тўплами, «Биринчи бўса», «Арра» драмаларини ўқиганда буни яна бир бор чуқурроқ ҳис қиласан киши.

А. Иброҳимов ҳикояларида ғайри табиий ситуацияларга, ғалати табиатли одамларга дуч келасиз. «Ҳар томчининг сабаби бор» ҳикоясидаги Турдимат қизғанчиқ одам, у кишиларни, қариндошими-бегонами бари бир ноқулай аҳволга солиб қўйишдан завқланади. Ана шундай одамнинг аралашуви билан икки ёшнинг севгиси барбод бўлади. «Қоя остида» ҳикоясида шофёр Каттабоев ўз шериги Ерхўжа устидан бошлиққа хуфия шикоят қилади, кўпчилик орасида эса ўз сўзидан бутунлай қайтиб, бошлиқни қип-қизил туҳматчига чиқаради-қўяди, яна яккама-якка учрашувда эса аслига қайтиб шеригидан зорланади. «Ўртадаги одам»да эса бошлиқ жамики жанжалли ишларни ўринбосарига рўпара қилаберириши сабабли, ҳалол, ишчан одам ёмон отли бўлиб қолади... Бу хил ситуациялар, персонажлар хатти-ҳаракати сизни ўйлашга ундайди. Бироқ ёзувчи тасвир билан чекланмай, бу хил ҳодиса, персонажлар устида ўзи ҳам баҳс юритишга тушади, унинг ҳикояларида аниқ, лўнда картиналар билан ёнма-ён публицистик талқин ва фалсафий мулоҳазалар кенг ўрин олади.

Менинг назаримда, А. Иброҳимовнинг истеъдоди ҳикояларидагига қараганда драмаларида ёркинроқ кўриняпти. Унинг «Биринчи бўса» драмаси сўнгги йилларда адабиётда кенг ўрин тутаётган севги можароларига бағишланган, унда бир қатор характерлар бор, айниқса севги қадрига етмайдиган енгилтабиат, тантиқ қиз ролидаги ҳат образи жонли, таъсирчан чиққан. Бу образ талқини орқали драматург шу кунларда кўпчиликнинг бошини қотираётган севгидаги ҳаё масаласини жуда жиддий қилиб қўйган.

«Арра» драмасида эса ижтимоий мотив хийла ўткирлашган. «Биринчи бўса» лирик комедия жанрига мансуб бўлса, «Арра»ни автор сатирик комедия деб тақдим этади; унда маълум одамлар гуруҳига хос ярамас илламни — ошна-оғайнигарчилик асосига қурилган «одамгарчилик фалсафаси»ни кескин танқид остига олади. Драмадаги марказий фигура Мурод Мансуров йирик мелик олим, бироқ эндиликда у илм-фан ривожи ҳақида эмас, фақат ўз шон-шуҳрати, оила аъзоларининг мартабаси устида бош қотирадиган бўлиб қолган; у фан майдонида илмий мактаб яратишни эмас, балки оилавий сулола яратишнигина ўйлайди, иниси, рафиқаси, ўғли, ҳатто пичоққа илинадиган жамики уруғ-аймоғларини ҳам ўларда майл, қобилият борми-йўқми суриштирмай, шу майдонга тортмоқ, фан мартабаси сари юқори кўтармоқ истайди. Бу одамнинг ақидасига кўра «мушук бекорга офтобга чиқмайди». У «Сиздан угина, биздан бугина», деган нақл асосида, яъни нуқул ҳисоб-китоб, олди-берди билан иш кўришга, одамига қараб эшик очишга одатланган, шу фалсафаси туфайли кишилар аро самимий муносабатларга мутлақо ишончини йўқотиб қўйган, ҳатто бировга салом берса ҳам ундан шубҳага тушади, тамагирлик қилади.

Мансуровлар фалсафаси фан тараққиёти йўлидаги бамисоли чалкаш тиканли сим тўр. Шуниси муҳимки, драматург шу чалкаш тўрларни йўлдан олиб ташлашга қодир кучларни ҳам кўради, булар аввало Мансуровлар оиласининг ичида, иниси Аҳмад, рафиқаси Холида, ўғли Ботир отага қарши туради. Назаримда, асарда бир муҳим етишмовчилик сезилади: унда жиддий комик асос, кескин танқид, кулгили ситуациялар бор — у тилда, нутқий ифодаларда комик оҳанг суст. Персонажлар нутқида қўйилмақом қилиб айтилган кулгили, образли ибораларни деярли учратмаймиз.

Юқоридаги қисқача обзор — кузатиш ҳамда қайдлар шундан далолат берадики, проза ва драматургияда ҳам бир қатор ўзига хос ёш истеъдод эгалари бор. Уларнинг энг яхши асарларига хос маълум фазилатларни эътироф этганимиз ҳолда, ижодий камолот йўлидаги қийинчиликларини, кам-кўстларни ҳам айтиб ўтишга бурчлимиз.

Бир-икки асарни мустасно қилганда, ёш носирларимиз нуқул оилавий-ахлоқий можаролар доирасида ўралашиб қолаётирлар. Х. Лутфуллаева «Туташ тақдирлар», Э. Усмонов «Ниҳоллар» қиссаларида тасвир доирасини бурмунча кенгайтиришга, персонажларни

қайноқ ҳаёт ичида, меҳнатда кўрсатишга ҳаракат қ-ладилар. Бироқ ҳар иккала қиссада ҳам меҳнат билан боғли можаро ва кечинмалар тасвири жуда юзаки, бетаъсир чиққан.

Авторлар талқинича, ҳар иккала қиссада ҳам чигал тақдирга эга бўлган ниҳоллар гўё қурилишда, жўшқин меҳнат майдонида чинакам бахтини топадилар, аммо биз ўша ниҳолларнинг меҳнатда топган бахтини бутун қалбимиз билан ҳис этолмаймиз; авторлар ўз қаҳрамонларини меҳнаткаш, қурувчи — бунёдкор деб тақдим этадилар, бироқ улар қурувчи — бунёдкор сифатида бутун маънавий олами билан кўриниб турмайдилар; ҳар иккала асарда ҳам бора-бора оилавий можаролар тароз палласини босиб кетади; «Туташ тақдирлар»да оилавий можаролар ифодаси бирмунча чучмаллаштириб юборилган; ёш автор бутун асар давомида «севимли» қаҳрамони Азаматни руҳий хаста, ногирон аёл Муяссардан ҳимоя қилиш, бадиият этикасига хилоф равишда касалманд Муяссарнинг телба хатти-ҳаракатларини кенг тасвир этиш билан банд бўлади.

Э. Раимов «Ажаб қишлоқ қиссаси»да оилавий можаролар қобиғидан чиқиб, ҳаётни кенгроқ кўламда кўрсатишга, теварак-атрофдаги хилма-хил инсоний муносабатларни кўрсатишга интилади, бироқ уларни ифодалашга келганда илк қиссаси «Меҳрибонларим»дан услуб ва приёмларни айнан такрорлайди, кўп ўринларда эса Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» ва «Сариқ девнинг ўлими» асарларига ошкора тақлид қилади. Ифодалар бобидаги такрорийлик ва тақлидчилик туфайли ёш авторнинг хайрли интилишлари кутилган самарани беролмади; китобхонлар ҳам, танқидчилар ҳам уни лоқайдгина қабул қилдилар.

Ҳабибуллодаги ҳаётнинг нурли поэтик томонларини кўра олиш, нозик ҳис эта билиш лаёқати, умуман олганда, таҳсинга сазовор. Бироқ, бу ҳол ҳаётнинг жиддий масалаларидан, чигал муносабатларидан чекинишга олиб борадиган бўлса қусурга айланиб қолиши ҳам мумкин. Дарҳақиқат, Ҳабибуллонинг қатор асарларида шу нарса сезилди; у кўпроқ ҳаётнинг осон кўчадиган можаролар, беозорроқ масалалари тасвири билан банд бўлиб кетиб, кескин, ўткир проблемалардан йироқда турибди. Ёш автор «Қарз» ҳикоясида бир оз кескин драматик ҳодисаларга қўл уриб кўрди-ю, ўша драматик ҳодисани бутун мураккаблиги билан изчил поёнига етказолмай қолди. Ҳикоянавис бутун ҳаётини ёлғиз қизи тақдирига тиккан қариянинг фарзандлик бурчини ўташдан бўйин товлаган қизи хатти-ҳаракатлари туфайли чеккан изтиробларини хийла бўрттириб беришга интилади. Аммо, тасвирда баъзан мантиқий изчиллик бузилганлиги, қизнинг бекадр бўлиб етишувига олиб келган ҳаётий омиллар етарли асосланмагани сабабли, автор чолнинг драматик ҳолатини қанчалик кескинлаштириб берган бўлмасин, китобхонни қаттиқ ҳаяжонга солмайди.

Ёш прозаикларимиздаги ижодий сусткашлик ҳам бизни ташвишга солаётир; қатор пишиқ ҳикоялари билан эл оғзига тушган, жиддий проза ярата олиш лаёқатини намойиш этган Ш. Исахонова, З. Аълам, М. Маҳмудов сингари ёшлар матбуотда онда-сонда кўринаётирлар.

Насримизнинг, умуман адабиётимизнинг эртаси аввало ёшларнинг ўзига боғлиқ. Ёшлар бу хил кам-кўстлардан қанчалик тез халос бўлсалар, адабиётимиз шунчалик ютади.